

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01**  
**РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ**  
**АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМий-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ХОЛЛИЕВ ЭЛБЕК ЭГАМБЕРДИЕВИЧ**

**ЎРТА ТОЛАЛИ ҒЎЗАДА ТЕЗПИШАРЛИК ВА МАҲСУЛДОРЛИКНИ**  
**ЯРУСЛАРГА БОҒЛИҚ ҲОЛДА ЎРГАНИШ**

**06.01.05 – Селекция ва уруғчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
agricultural sciences**

**Холлиев Элбек Эгамбердиевич**

Ўрта толали ғўзада тезпишарлик ва маҳсулдорликни ярусларга боғлиқ  
ҳолда ўрганиш..... 3

**Холлиев Элбек Эгамбердиевич**

Изучение скороспелости и продуктивности средневолокнистого  
хлопчатника в зависимости от ярусов ..... 21

**Holliyev Elbek Egamberdiyevich**

Upland cotton earliness and plant productivity studying depending on branch  
series ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01**  
**РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

---

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ**  
**АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ХОЛЛИЕВ ЭЛБЕК ЭГАМБЕРДИЕВИЧ**

**ЎРТА ТОЛАЛИ ҒЎЗАДА ТЕЗПИШАРЛИК ВА МАҲСУЛДОРЛИКНИ**  
**ЯРУСЛАРГА БОҒЛИҚ ҲОЛДА ЎРГАНИШ**

**06.01.05 – Селекция ва уруғчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Qx97 рақам билан рўйхатга олинган**

Диссертация Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.agrar.uz](http://www.agrar.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Халманов Бахтиёр Абдурашидович</b> қишлоқ хўжалик фанлари доктори, катта илмий ходим
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Арамов Музаффар Хошимович</b> қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор  <b>Холмурадова Гўзал Рўзиевна</b> қишлоқ хўжалик фанлари доктори, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «26» июн соат 13<sup>30</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 700140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz) Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (535260 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2018 йил «9» июнда тарқатилди.  
(2018 йил «19» майдаги 22.4-рақамли реестр баённомаси).

**Б.А.Сулайманов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

**Я.Х.Юлдашов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к/х.ф.н., доцент

**М.М.Адилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Пахта етиштирувчи дунё мамлакатларида қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг камайиши ва глобал иқлим ўзгаришлари каби салбий омиллар фермер хўжаликларининг бошқа қишлоқ хўжалик экинлари навлари сингари, ғўза навларига ҳам бўлган талабларини кундан кунга кучайтирмоқда. Шу сабабли, пахтачилик соҳасидаги мавжуд муаммоларни бартараф этишда ўрта толали ғўзанинг тезпишар, маҳсулдор, тола сифати халқаро бозор талабларига мос ва вилт касаллигини кўзғатувчи патогенларига бардошли бўлган селекцион ашёларини яратиш муҳим аҳамият касб этади<sup>1</sup>.

Жаҳондаги энг йирик пахта етиштирувчи Хитой, Ҳиндистон, Покистон, АҚШ ва Бразилия ва бошқа мамлакатларида ҳам тезпишар ва маҳсулдор ғўза навларини яратишда *G.hirsutum* L. турига мансуб бирламчи ашёлардан фойдаланишга жиддий эътибор қаратилмоқда, чунки ғўзанинг тезпишар, ҳосилдор ва зараркунандаларга бардошли навларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади, тўқимачилик саноати талабларига мос бўлган ҳосил йиғиштириб олинади. Шу муносабат билан мазкур нав ва тизмаларни яратиш, яратилаётган навларнинг қимматли-хўжалик ва биологик белгилари ўртасидаги генетик боғланишларни аниқлашга бағишлаган илмий тадқиқотлар долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади.

Республикамизда экилаётган ғўза навлари тезпишар, маҳсулдор тола сифати ва бир қанча қимматли хўжалик белгилари бўйича хорижий навлардан афзалликларга эга. Ўзбекистон пахта толасини ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилиш борасида дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Қолаверса, тола сифатига йилдан-йилга ишлаб чиқариш ва енгил саноатнинг талаблари ошиб бормоқда. Юқорида келтирилган долзарб муаммони ечиш йўлларида бири тезпишар, маҳсулдор, касалликларга бардошли, тола сифати жаҳон бозорининг бугунги кунги талабларига жавоб берадиган янги ғўза навларини яратиш масаласидир. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси» давлат дастурида келтирилганидек «..касаллик ва зараркунандаларга бардошли, тупроқ-иқлим шароитларига мос, қишлоқ хўжалик экинларининг янги селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш» долзарб аҳамият касб этади<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августдаги 395-II-сон «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги ва «Уруғчилик тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 15 сентябрдаги «Қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирлари ва қишлоқ хўжалик

<sup>1</sup>www.fao.org

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3281-сонли қарори

маҳсулотлари етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида”ги ПҚ-3281-сонли қарорлари ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ғўза селекциясида шохланиш типи ва унинг аҳамияти тўғрисида бир қанча илмий ишлар олиб борилган. Ҳосил шохларини ўсимлик поясининг пастки қисмида пайдо бўлиши ҳосилни тез етилишида муҳим ўрин тутишини Г.С.Зайцев, М.С.Канаш, Н.П.Кренке, З.М.Пудовкина, И.Г.Серебряков, А.Э.Эгамбердиев, П.В.Попов А.П.Попов ўз илмий ишларида қайд этган. Ушбу илмий изланишларда асосий эътибор ғўзанинг шохланиш типларига, қисқа бўғинга эга бўлган чекланмаган типдаги ҳосил шохларига, юқори тола чиқими ва узунлиги ҳамда бошқа бир қатор қимматли-хўжалик белгиларига эга бўлган ўрта толали ғўза навларини яратишга қаратилган. Лекин, қимматли хўжалик белгиларини юқори кўрсаткичларига эга бўлган ҳолда, асосий ҳосилни тупнинг пастки ярусларига тўпловчи шаклларни ажратиб олиш ва уларнинг маҳсулдорлик ҳамда тезишарлик белгиларининг генетик қонуниятларини ўрганиш борасида етарли илмий изланишлар олиб борилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мавзу тармоқ дастурига, ташкилотнинг мавзулар режасига киритилган. Диссертация иши А-11-076 рақамли «Селекциянинг янги услубларини қўллаган ҳолда, юқори маҳсулдор, тезпишар, толаси жаҳон андозалари талабларига жавоб берувчи, оқпалак ва сўрувчи ҳашаротларга чидамли ўрта толали ғўза навларини яратиш» лойиҳаси доирасида бажарилган (2009-2011 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** *G.hirsutum* турининг тезпишар, маҳсулдор, асосий ҳосилни тупнинг пастки ярусларида тўпловчи, тола чиқими ва сифати юқори, вертициллез вилт касаллигига бардошли бўлган янги селекцион бошланғич ашёларни яратиш ва морфологик ва хўжалик белгиларининг ўзгарувчанлиги ва ирсийланишини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

- ғўза тупининг шакли бўйича бошланғич ашёларни танлаш;
- оддий ва беккросс ғўза дурагайларининг айрим морфо-хўжалик белгиларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлигини аниқлаш;
- ғўза дурагайларининг қимматли-хўжалик ва морфологик белгилари орасидаги корреляцион боғланишларини аниқлаш;
- қимматли-хўжалик белгилари мажмуасига эга бўлган бошланғич ашёларни яратиш;

ҳосилни пастки ярусларда тўпловчи, тезпишар, маҳсулдор ва вилт касаллигига бардошли тола сифати юқори бўлган оила, тизмалар яратиш ва янги навни Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш Давлат нав синаш комиссиясининг Грунт назоратига тавсия қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида туп шакли, ҳосил шохи типи ва қимматли хўжалик белгилари бўйича бир-биридан фарқ қиладиган ўрта толали ғўзанинг Т-554, Т-782, Т-773, Т-785, Т-774, ЛХ-777 ва Т-510 тизмалари, ҳамда уларни ўзаро чатиштириш натижасида олинган оддий ва беккросс дурагайлардан ва андоза Наманган-77 навидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг предмети** амалий ғўза селекциясида тезпишар, маҳсулдор, асосий қимматли хўжалик белгилари ҳамда тола сифати кўрсаткичлари юқори ва вилт касалликларига бардошли бўлган ноёб бошланғич ашёлар, оилалар яратишда оддий ва беккросс дурагайлаш усуллари, кузатувлар, математик-статистик усуллар асосида корреляцион боғланишни ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Дала ва лаборатория шароитида ўсимлик бўйи, ҳосил шохлари сони, асосий поядаги ва ҳосил шохларидаги бўғинлар узунлиги, тезпишарлиги, ўсимлик ярусларларидаги кўсаклар сони, битта кўсакдаги пахта вазни, маҳсулдорлик, тола чиқими, 1000 чигит массаси институтда умумқабул қилинган усул асосида ва толанинг сифат кўрсаткичлари OzDSt 604-2001 андозаси бўйича Республика “Сифат” маркази томонидан замонавий HVI дастгоҳида аниқланди. Барча тадқиқот натижалари, белгиларнинг сонли катталиклари, вариацион-статистик таҳлиллар, корреляция коэффициенти Б.А.Доспехов услуги бўйича ишловдан ўтказилди. Белгиларнинг доминантлик даражаси G.M.Veil ва R.E.Atkins ишларида келтирилган S.Wright формуласи бўйича аниқланди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор, ўрта толали ғўзада асосий ҳосилни тупнинг пастки ярусларида тўплаш мақсадида морфо-хўжалик белгилари бўйича бир-биридан фарқ қиладиган селекцион тизмалар дурагайлаш ишларига жалб этилган;

F<sub>1</sub> оддий ва беккросс дурагайларда пирамидасимон туп шакли конуссимон шакл устидан доминантлик қилиши аниқланган;

беккросс дурагайларда тезпишар ва маҳсулдорликни ирсийланиши ҳамда ирсийланиш коэффициенти аксарият ҳолда оддий дурагайларга нисбатан юқори бўлганлиги аниқланган;

F<sub>1</sub>-F<sub>3</sub> оддий ва беккросс дурагайларда шохланиш типи, поядаги ва ҳосил шохлардаги бўғин оралиғи узунлиги ҳамда бошқа хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва улар орасидаги корреляцион боғлиқликлар аниқланган;

беккросс дурагайлаш натижасида белгилар орасидаги корреляцион боғлиқликлар ижобий томонга оғанлиги, тезпишарлик ва маҳсулдорлик белгилари бир генотипда мужассамланганлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқотлар натижасида ўрта толали ғўзанинг тезпишар, маҳсулдор ва вилт касаллигига бардошли, юқори тола сифати ва қимматли хўжалик

белгилари кўрсаткичларига эга бўлган янги 7 та оила ва 2 та тизма яратилган ва бошланғич ашё сифатида амалий селекция учун тавсия этилган.

ушбу оила ва тизмалар амалий селекция учун белгиларнинг ижобий мажмуасига эга қимматли бошланғич ашё бўлиб хизмат қилади.

тажрибалар натижасида тезпишар, маҳсулдор ва қимматли хўжалик белгиларига эга ҳамда тола сифат кўрсаткичлари юқори бўлган ва вилт касаллигига бардошлилик бўйича андоза навадан устун С-4918 нави яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги:** дала тажрибаларининг ҳар йили апробациядан ўтказилганлиги, тадқиқотларда дала тажрибалари усулларида фойдаланилганлиги, ғўза намуналарида дурагайлаш ишлари, дала ва лаборатория тажрибаларини замонавий ва классик усулларга мослиги, олинган маълумотларни математик-статистик ишловдан ўтказилганлиги; тадқиқот натижаларини хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулосаларни илмий асосланганлиги, натижаларнинг мутахассислар томонидан тасдиқлаб баҳоланганлиги, изланишлар натижалари республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинганлиги ва диссертация иши натижалари Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги билан асосланган.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, биринчи мартаба конуссимон ва пирамидасимон шаклга эга бўлган ўсимликлар ўрганилиб, пирамидасимон туп шакли устунлик қилиши ва асосий ҳосилни тупнинг пастки ярусларига тўпловчи тезпишар, маҳсулдор ўсимликлар ҳам пирамидасимон шаклга эга бўлган ўсимликлар эканлиги аниқланди. Ушбу ижобий белгиларни мужассамлантирган бошланғич ашёларни яратиш борасидаги илмий изланишлар селекция ишларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тезпишар, маҳсулдор қимматли хўжалик белгиларини ўзида мужассамлантирган, юқори тола сифатига эга, андоза навадан устун бўлган С-4918 нави, Т-822, Т-750, тизмалари ва О-825, О-799, О-791, О-804, О-907, О-815, О-809 оилаларини яратилганлиги ва селекция жараёнида қўлланилаётганлиги билан изоҳланган.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Ўрта толали ғўзада тезишарлик ва маҳсулдорликни ярусларга боғлиқ ҳолда ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

ғўзанинг ўрта толали тезпишар (105,2-108,7 кун), маҳсулдор (102,4-110,7 г) тола узунлиги (33,9-34,3 мм), тола чиқими (37,9-38,7%) бўлган оила ва тизмалари яратилган. (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 19.02.2018 йилдаги 02/20-113-сонли маълумотномаси). Натижада яратилган оила ва тизмалар бошланғич ашё сифатида тавсия этилган.

ғўзанинг ўрта толали эртапишар, серҳосил, тола чиқими ва сифати юқори бўлган “С-4918” нави ташкилотлараро комиссиясининг тавсиясига кўра 2018 йилда Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш Давлат комиссиясига синаш учун топширилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги 19.02.2018 йилдаги 02/20-113-сонли маълумотномаси). Натижада нав

Давлат нав синаш комиссиясининг Тошкент вилояти Юқори-Чирчиқ нав синаш участкасига навдорлигини баҳолаш (грунт назорат) учун қабул қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та жумладан 1 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий мақола чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та, жумладан 6 та республика ва 1 та хорижий журналда ҳамда 2 та республика 1 та хорижий конференцияда мақолалар чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ҳамда тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида мавзуга оид турли даврлардаги маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларнинг натижалари келтирилган бўлиб, олиб борилган илмий ишлар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотни бажариш шароити, бошланғич ашё ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида изланишлар 2006-2014 йилларда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти Марказий тажриба хўжалиги даласида олиб борилганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган. Диссертация ишлари институтнинг «Толанинг технологик сифатларини ўрганиш» лабораториясида бажарилган.

Ўзанинг ривожланиш даврида бир қанча фенологик кузатувлар олиб борилган. Андоза сифатида ўрта толали ўзанинг Наманган-77 навидан фойдаланилган. Дурагайларнинг натижалари ота-она намуналари ҳамда андоза навларга нисбатан таққослаб ўрганилган.

Дала шароитида ўрганилаётган дурагайларнинг вегетация даврида униб чиқиш, ўсимлик сони, шоналаш ва гуллаш, ҳосил шохлари сони, ҳосил шохлари бўғин оралиғи узунлиги, ўсимлик баландлиги, биринчи ҳосил шохини жойлашиш баландлиги, шохланиш типи, 50% кўсакларнинг пишиш даври, бир туп ўсимликдаги кўсаклар сони (яруслар бўйича), ўсимликларнинг вилт касаллиги билан умумий ва кучли даражада зарарланиши каби фенологик кузатув ишлари олиб борилган.

Олинган барча маълумотлар, яъни қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ҳамда корреляцион боғлиқлиги ота-она намуналари ва андоза навлар билан ўзаро таққослаб ўрганилган. Рақамли натижалар асосида вариацион қаторлар тузилиб, Б.А.Доспехов, G.M.Veil ва R.E.Atkins, услубларида математик ишловдан ўтказилган.

Диссертациянинг «**Ўзанинг оддий ва беккросс усулларида яратилган F<sub>1</sub>-F<sub>3</sub> дурагайларида морфо-хўжалик белгиларнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги**» деб номланган учинчи бобида ўрта толали, келиб чиқиши ва туп шакли турлича бўлган, асосий ҳосилни тупнинг пастки ярусларида тўпловчи, яъни ҳар бир ҳосил шоҳида 3 тадан ва ундан ортиқ (шартли равишда AS-шакл) кўсақлар сонига эга бўлган тизмалар ҳамда улар иштирокида олинган оддий ва беккросс дурагай авлодларда шоҳланиш типининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлигини таққослаб ўрганишдан олинган натижалар таҳлил қилинган.

Ўрганилган ота-она намуналари орасида T-773 тизмасининг туп шакли 100% конуссимон шаклда бўлиши билан бирга, 73,5% ўсимликлар оралик AS типдаги ва 26,5% ўсимликлар айнан AS типдаги шоҳланишга эга эканлиги аниқланди. Қолган тизмалар пирамидасимон туп шаклига эга бўлди. Мазкур белги бўйича ота-она тизмалари чапиштириш ишларига жалб қилинганда, ўрганилган дурагайларда туп шакли бўйича пирамидасимон шаклнинг устунлиги қайд этилди. Масалан, конуссимон ва пирамидасимон шаклдаги тизмалар иштирокида олинган F<sub>1</sub>T-785 x T-554 оддий дурагайнинг биринчи авлодида туп шакли пирамидасимон шаклда бўлиб, AS шоҳланиш типига эга бўлди. Иккинчи авлодда ўсимлик тупи шакли бўйича конуссимон ва пирамидасимон ажралиш жараёни кечганлиги, дурагайлар орасида ҳосил шоҳи типлари бўйича AS бўлмаган, оралик AS ва AS типга эга бўлган ўсимликларнинг ажралиб чиққанлиги аниқланди. Ушбу авлодда пирамидасимон AS шаклдаги ўсимликларни танлашга асосий этибор қаратилганлиги боис, F<sub>3</sub> авлодда барча ўсимликлар пирамидасимон шаклидаги тупга эга бўлди. Мисол учун F<sub>2</sub> T-785 x T-554 оддий дурагайида пирамидасимон туп шаклига ва айнан AS шоҳланиш типигаги ўсимликлар умумий ўсимликларнинг 38,1% ни ташкил этган бўлса, F<sub>3</sub> авлодга бориб бундай ўсимликлар 78,5% бўлганлиги аниқланди. Таҳлиллар асосида хулоса қиладиган бўлсак, F<sub>1</sub> авлодда пирамидасимон туп шаклини устунлик қилиши, F<sub>2</sub> авлодда кенг миқёсдаги ажралиш жараёни кечиши кузатилди (1-жадвал).

**Тезпишарлик белгисининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги.** Бошланғич ашё сифатида иштирок этган тизмаларнинг 50% кўсақ очилишигача бўлган даври бир-биридан кескин фарқ қилиши аниқланди.

Оталик сифатида иштирок этган ЛХ-777 ва T-554 тизмаларида кўрсаткич ўртача 110,3- 117,5 кун, она шаклида олинган T-782 ва T-774 тизмаларда эса, тегишли равишда 112,4 ва 120,5 кунга тенг бўлди. Оддий дурагайларда тезпишарлик 114,6 кундан 118,6 кугача ораликда бўлган бўлса, беккросс дурагайларида 114,4 кундан 115,3 кунгача бўлиб, оддий дурагайларга нисбатан 2-3 кунга тезпишар бўлганлиги аниқланди. Андоза нав сифатида иштирок этган Наманган-77 навида эса ушбу белги 118,5 кун эканлиги аниқланди.


**F<sub>1</sub>-F<sub>3</sub> оддий ва беккросс дурагайларда ўсимлик туп шакли белгисининг ирсийланиши**

Ота она ва дурагай комбинациялар	Ўсимликлар сони	Конуссимон шаклдаги ўсимликлар			Пирамидасимон шаклдаги ўсимликлар		
		AS бўлмаган	оралиқ AS шакл	айнан AS шакл	AS бўлмаган	оралиқ AS шакл	айнан AS шакл
		n	%	%	%	%	%
T- 554	70			100,0			
T-780	69						100,0
T-782	70						100,0
T-773	68		73,5	26,5			
T- 785	79				5,0	60,8	34,2
T- 774	72				63,9	36,1	
ЛХ-777	71						100,0
T-510	73						100,0
F <sub>1</sub> T-785 x T 554	62					7,2	92,8
F <sub>2</sub> T-785 x T 554	244	5,7	4,6	13,9	7,4	30,3	38,1
F <sub>3</sub> T-785 x T 554	289				5,2	16,3	78,5
F <sub>1</sub> T-774 x T 780	76					25,0	75,0
F <sub>2</sub> T-774 x T 780	210				23,3	30,0	46,7
F <sub>3</sub> T-774 x T 780	276					13,1	86,9
F <sub>1</sub> T-782 x ЛХ-777	69						100,0
F <sub>2</sub> T-782 x ЛХ-777	232						100,0
F <sub>3</sub> T-782 x ЛХ-777	290						100,0
F <sub>1</sub> T-773 x T-510	61				3,3	11,5	85,2
F <sub>2</sub> T-773 x T-510	217	8,7	14,3	5,5	6,4	26,3	38,8
F <sub>3</sub> T-773 x T-510	257				3,5	13,6	82,9
F <sub>1</sub> B <sub>1</sub> (F <sub>1</sub> T-785x T 554)xT-554	69	11,6	13,0	23,2	4,3	13,1	34,8
F <sub>2</sub> B <sub>1</sub> (F <sub>1</sub> T-785x T 554)xT-554	183	12,6	8,2	24,0	5,4	12,6	37,2
F <sub>3</sub> B <sub>1</sub> (F <sub>1</sub> T-785x T 554)xT-554	194				1,0	5,7	93,3
F <sub>1</sub> B <sub>1</sub> (F <sub>1</sub> T-774 x T-780)xT-780	73						100,0
F <sub>2</sub> B <sub>1</sub> (F <sub>1</sub> T-774 x T-780)xT-780	214				4,2	28,5	67,3
F <sub>3</sub> B <sub>1</sub> (F <sub>1</sub> T-774 x T-780)xT-780	176					3,4	96,6
F <sub>1</sub> B <sub>1</sub> (F <sub>1</sub> T-782 x ЛХ-777)xЛХ-777	65						100,0
F <sub>2</sub> B <sub>1</sub> (F <sub>1</sub> T-782x ЛХ-777)xЛХ-777	196						100,0
F <sub>3</sub> B <sub>1</sub> (F <sub>1</sub> T-782x ЛХ-777)xЛХ-777	174						100,0
F <sub>1</sub> B <sub>1</sub> (F <sub>1</sub> T-773x T-510)xT-510	67						100,0
F <sub>2</sub> B <sub>1</sub> (F <sub>1</sub> T-773x T-510)xT-510	191				9,4	22,5	68,1
F <sub>3</sub> B <sub>1</sub> (F <sub>1</sub> T-773x T-510)xT-510	179					3,9	96,1

Оддий дурагайларга нисбатан беккросс дурагайларда юқори даражадаги ўзгарувчанлик намоён бўлганлигини таъкидлаш лозим. Оддий ва беккросс дурагайларнинг F<sub>2</sub> авлодларининг тезпишарлик белгиси бўйича кўрсаткичлари F<sub>1</sub> авлод даражасида ёки нисбатан қисқа бўлганлиги аниқланди. F<sub>3</sub> авлод оддий

F<sub>3</sub>T-774 x T-780 ва F<sub>3</sub>T-782 x ЛХ-777 дурагайларида тезпишарлик тегишли равишда 113,7- 116,5 кун бўлган бўлса, беккросс дурагай авлодларида тезпишарлик даври кўрсаткичлари комбинацияларга боғлиқ равишда 111,1-115,1 кун бўлганлиги, яъни янада қисқарганлиги кузатилди.

Тезпишарлик бўйича олинган натижалар асосида, оддий ва беккросс дурагайларда белгининг намоён бўлиши аксарият ҳолларда чатиштиришда охирги оталик компоненти сифатида иштирок этган шаклларга боғлиқ равишда намоён бўлишини ва чатиштиришга тезпишар навларни жалб этиш яхши самара бериши аниқланди (1-расм).



1-расм. Ғўзанинг F<sub>1</sub>-F<sub>3</sub> оддий ва беккросс дурагайларида тезпишарлик белгисининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги (кун ҳисобида).

**Ўсимлик маҳсулдорлиги белгисининг яруслар бўйича ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги.** Маҳсулдорлик ғўзанинг асосий белгиларидан биридир. Шу сабабли, бу белгини яруслар бўйича қай тарзда намоён бўлиши ўрганилди.

Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, ота-она сифатида иштирок этган аксарият намуналарда маҳсулдорлик андоза Наманган-77 навига нисбатан юқори бўлган. Яруслар бўйича кузатилганда, бошланғич намуналар умумий ҳосилнинг 27,4%-31,4%ни биринчи ярусда тўплаган. Андоза навида эса ушбу кўрсаткич 24,6% га тенг бўлди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, биринчи бўғин оддий дурагайларда маҳсулдорлик бўйича юқори кўрсаткич F<sub>1</sub> T-782 x ЛХ-777 дурагайида кузатилиб, ўртача бир ўсимликда 142,1 г ҳосил тўпланган ва ЛХ-777 тизмаси билан қайта чатиштирилиб олинган F<sub>1</sub> B<sub>1</sub>(F<sub>1</sub>T-782 x ЛХ-777) x ЛХ-777 беккросс дурагайида кўрсаткич 147,5 г га тенг бўлганлиги аниқланди. Оддий F<sub>1</sub> дурагайида маҳсулдорлик белгиси бўйича гетерозис кузатилди. Беккросс дурагайларнинг аксариятида маҳсулдорлик белгиси бўйича ирсийланиш гетерозис ҳолатда бўлганлигини кузатилди.

Беккросс F<sub>1</sub>B<sub>1</sub>(F<sub>1</sub>T-774 x T-780) x T-780 ва F<sub>1</sub>B<sub>1</sub>(F<sub>1</sub>T-773 x T-510) x T-510 дурагай комбинацияларида ижобий гетерозис ҳолатда ирсийланиш кузатилиб, ирсийланиш даражаси тегишли равишда  $h_p=3,7$ ;  $h_p=5,9$  га тенг бўлди (2-жадвал).

**Ғўзанинг F<sub>1</sub>-F<sub>3</sub> оқдий ва беккросс дурагайларида ўсимликдаги маҳсулдорлик белгисининг яруслар бўйича тақсимланиши**

Бошланғич намуналар, F <sub>1</sub> , F <sub>2</sub> ва F <sub>3</sub> дурагайлар	Маҳсулдорлик, г хисобида			1-ярус % хисобида			2-ярус % хисобида			3-ярус % хисобида			4-ярус % хисобида			5-ярус % хисобида			
	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	F <sub>3</sub>	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	F <sub>3</sub>	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	F <sub>3</sub>	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	F <sub>3</sub>	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	F <sub>3</sub>	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>	F <sub>3</sub>	
	hp																		
T-554	116,6	114,4	119,6	23,3	24,9	24,1	29,0	30,4	32,7	23,2	23,6	24,9	15,9	17,3	14,5	8,6	3,8	3,8	3,8
T-780	116,1	105,3	121,5	31,2	34,1	31,8	29,3	30,3	28,8	17,9	17,3	24,4	16,1	13,5	12,9	5,5	4,8	2,1	2,1
T-782	124,2	126,5	132,5	30,8	30,2	30,4	24,2	28,2	28,3	25,3	19,9	21,6	15,5	15,2	13,5	4,2	6,5	6,2	6,2
T-773	107,2	109,2	101,4	24,5	22,7	23,6	31,8	29,6	32,8	23,7	25,3	22,9	14,2	16,9	14,7	5,8	5,5	6,0	6,0
T-785	106,6	102,0	109,6	28,3	34,7	29,4	27,7	26,8	28,0	20,9	19,5	24,1	16,4	12,3	13,3	6,7	6,5	5,2	5,2
T-774	95,7	96,2	100,8	27,4	27,4	28,2	30,4	32,9	30,5	21,3	22,8	22,4	14,5	13,6	14,7	6,4	3,3	4,2	4,2
ЛХ-777	134,4	129,8	124,2	28,2	28,1	28,2	25,7	26,9	27,4	23,6	26,1	22,5	17,2	14,6	15,7	5,3	4,3	6,2	6,2
T-510	127,6	117,6	118,2	31,4	32,0	29,9	25,4	26,4	27,2	21,2	24,1	23,3	14,5	13,8	13,8	7,5	3,7	5,8	5,8
F T-785 x T-554	124,5	119,2	129,8	28,1	29,5	29,1	27,0	27,2	27,5	25,4	23,0	23,2	11,5	14,5	16,2	8,0	5,8	4,0	4,0
F T-774 x T-780	117,6	109,2	118,8	27,5	28,0	27,2	28,6	29,5	29,0	23,8	22,7	24,1	12,6	13,3	13,3	7,5	6,5	6,4	6,4
F T-782 x ЛХ-777	142,1	129,8	132,5	30,9	27,0	29,1	27,3	28,3	26,0	25,2	24,8	23,3	11,7	12,7	14,3	4,9	7,2	7,3	7,3
F T-773 x T-510	132,0	121,5	127,2	29,0	28,9	29,8	27,3	28,1	27,9	24,9	25,2	24,6	14,0	12,0	13,3	4,8	5,8	4,4	4,4
FB <sub>1</sub> (F <sub>1</sub> T-785 x T-554) x T-554	140,0	119,2	127,2	29,7	29,1	29,7	29,1	30,3	31,5	26,4	24,0	23,8	10,8	12,3	11,3	4,0	4,3	3,7	3,7
FB <sub>1</sub> (F <sub>1</sub> T-774 x T-780) x T-780	131,6	113,9	123,2	29,9	29,9	32,1	26,9	30,0	29,7	23,8	20,8	20,3	14,6	13,8	13,9	4,8	5,5	4,0	4,0
FB <sub>1</sub> (F <sub>1</sub> T-782 x ЛХ-777) x ЛХ-777	147,5	132,0	140,4	35,5	29,6	34,4	29,1	29,8	31,4	18,3	24,8	21,0	12,1	11,4	10,4	5,0	4,4	2,8	2,8
FB <sub>1</sub> (F <sub>1</sub> T-773 x T-510) x T-510	142,8	137,7	137,8	34,7	33,2	34,2	26,8	26,9	27,5	20,5	24,3	20,0	14,1	12,2	14,5	3,9	3,4	3,8	3,8
Наманган-77, андоза	86,4	89,3	80,5	24,6	25,2	27,3	27,1	27,4	29,0	23,9	22,9	22,9	14,0	15,9	14,1	10,4	8,6	6,7	6,7

Ушбу авлод беккросс  $F_1V_1(F_1T-782 \times LX-777) \times LX-777$  ва  $F_1V_1(F_1T-785 \times T-554) \times T-554$  комбинацияларида ҳам белгининг ирсийланиш коэффициенти юқори доминантлик даражасини (мос равишда  $h_p=2,4$ ;  $h_p=4,9$ ) намоён қилди. Шунингдек, биринчи авлод беккросс  $F_1V_1(F_1T-785 \times T-554) \times T-554$  ва  $F_1V_1(F_1T-782 \times LX-777) \times LX-777$  комбинациялари маҳсулдорлик белгиси бўйича энг юқори (тегишли равишда 140 г ва 142,8 г) натижа кузатилди. Мазкур бўғин беккросс дурагайлардан энг паст маҳсулдорликка  $F_1V_1(F_1T-774 \times T-780) \times T-780$  комбинацияси (131,6 г) эга бўлди. Беккросс дурагайлар ярусларга ажратилган ҳолда ўрганилганда белгининг ушбу авлодда ота-она ва оддий дурагайларга нисбатан ижобий гетерозис ҳолатда эканлиги аниқланди.

Иккинчи авлод дурагайларида маҳсулдорлик бўйича кенг миқёсдаги ажралиш жараёнини кечганлиги, дурагайлар орасида ҳосилдор AS шаклдаги ўсимликларнинг пайдо бўлганлиги аниқланди. Иккинчи авлодда маҳсулдорлик бўйича AS шаклидаги ўсимликларни танлашга асосий эътибор қаратилганлиги боис  $F_3$  авлодда маҳсулдорлиги юқори AS шаклдаги ўсимликлар сони ортди. Ўрганилган учинчи бўғин оддий ва беккросс дурагайларда маҳсулдорлик иккинчи авлод дурагайларига нисбатан сезиларли даражада юқори бўлганлиги аниқланди.  $F_2V_1(F_1T-782 \times LX-777) \times LX-777$ ,  $F_2V_1(F_1T-773 \times T-510) \times T-510$  беккросс дурагайларида маҳсулдорлик 132,0-137,7 г ни ташкил этган бўлса, учинчи авлодда белги кўрсаткичи 137,8-140,4 г бўлганлиги кузатилди. Шунингдек, мазкур авлод дурагайларида маҳсулдорлик белгиси бўйича ўзгарувчанлик даражаси пасайиб, белгининг барқарорлашганлиги аниқланди. Таҷрибалар асосида олинган маълумотларда маҳсулдорлик биринчи бўғин оддий ва беккросс дурагайларида доминант ҳолда ирсийланди. Олиб борилган танлов ишлари натижасида учинчи бўғин дурагайларда белги кўрсаткичларининг ортганлиги аниқланди.

**Ҳосил шоҳи бўғин оралиғи белгисининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги.** Ғўзада кўсақларнинг очилиш суръати ҳосил шоҳдаги бўғин оралиғи узунлиги билан боғлиқдир. Шу сабабли, ота-она намуналари ва дурагай авлодларда ҳосил шоҳларидаги бўғин оралиқлари узунлигини ирсийланишига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Дурагайлашда ота-она сифатида қатнашган намуналарнинг белги бўйича кўрсаткичлари 4,2 см дан 7,1 см гача бўлган бўлса, андоза Наманган-77 навида ҳосил шоҳларидаги бўғин оралиғи узунлиги ўртача 6,5 см га тенг бўлди. Мазкур белги кўрсаткичлари  $F_1$  оддий дурагайларда 4,3 см дан 5,6 см гача, беккросс дурагайларда 4,4 см дан 5,3 см гача бўлганлиги аниқланди.

Ирсийланиш коэффициенти  $F_2$  авлод оддий дурагайларда 0,60-0,82, беккросс дурагайларда 0,52-0,76  $F_3$  оддий дурагайларда 0,42-0,68 оралиғида, беккросс дурагайларда эса 0,35-0,54 оралиғида бўлганлиги аниқланди.

**Ғўзанинг  $F_1$ – $F_3$  оддий ва беккросс дурагайларида тола узунлиги.** Уч йиллик маълумотларга кўра, ота-она намуналарида тола узунлиги кўрсаткичи 32,1 ммдан 34,5 ммгача оралиқда бўлганлиги аниқланди.  $F_1$  оддий дурагайларида ушбу белги 32,7-33,5 мм,  $F_2$  авлодда 33,0-33,5 мм,  $F_3$  авлодда

33,1-33,8 мм, беккросс дурагайларнинг F<sub>1</sub> авлодида 32,6-33,8 мм F<sub>2</sub> авлодида 32,8-33,7 мм ва F<sub>3</sub> авлодида 33,2-34 мм ораликда эканлиги аниқланди.

Андоза Наманган-77 навида тола узунлиги белгиси кўрсаткичи оддий ва беккросс дурагайларнинг ўртача кўрсаткичларидан сезиларли равишда паст бўлиб, йиллар бўйича тегишли равишда 32,3 мм, 31,9 мм ва 32,2 мм ни ташкил этди.

**Дўзанинг F<sub>1</sub>–F<sub>3</sub> оддий ва беккросс дурагайларида тола чиқими.** Ота–она намуналарида тола чиқими биринчи йили 33,9%-37,8%, иккинчи йилда 35,4%-38,5% ва кейинги йилда 35,1%-37,6% оралиғида бўлди. F<sub>1</sub> оддий дурагайларида ушбу белги 35,7%-39,0%, F<sub>2</sub> авлодда 36,1-38,9% ва F<sub>3</sub> авлодда 37,0%-38,8% оралиғида бўлганлиги, беккросс дурагайларда эса, F<sub>1</sub>V<sub>1</sub> да 36,0%-39,8%, F<sub>2</sub>V<sub>1</sub> авлодда 36,7%-38,3% ва F<sub>3</sub>V<sub>1</sub> авлодда 37,9%-40,1% ораликда эканлиги аниқланди. Тола чиқимини биринчи бўғин оддий ва беккросс дурагайларда доминант, салбий гетерозис, оралик ҳолда ирсийланиши аниқланди. Дурагайларнинг F<sub>2</sub> авлодида белги бўйича кучли ажралиш жараёни кечиб, тола чиқимини ўртача кўрсаткичи ота-она намуналари кўрсаткичлари оралиғида бўлди. Олиб борилган танлов ишлари натижасида учинчи бўғин дурагайларида белги кўрсаткичларининг ортиши кузатилди. Андоза Наманган-77 навида тола чиқими белгиси кўрсаткичи оддий ва беккросс дурагайларнинг ўртача кўрсаткичидан сезиларли равишда паст бўлди ва кўрсаткичлар йиллар бўйича тегишли равишда 35,1%, 36,1% ва 36,6% ни ташкил этди.

**Бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони ва битта кўсақдаги пахта вазни.** Ушбу белгилар ярусларга ажратилган ҳолда ўрганилди. Кўсақлар сони белгиси бешта ярусга ажратган ҳолда ўрганилганда биринчи ва иккинчи ярусларда ота-она намуналари ва оддий дурагайларга нисбатан беккросс дурагайларда юқори бўлганлиги кузатилди. Кўсақлар сони ва кўсақдаги пахта вазни белгиси F<sub>1</sub> авлодда таққосланиб ўрганилаётган ота-она намуналарда 16,5-24,0 дона ва 5,2-5,8 г, F<sub>2</sub> авлодда 17,5-24,5 дона ва 5,1-5,6 г ва F<sub>3</sub> авлодда 18,0-25,0 дона ва 5,1-5,6 г ораликларда бўлган бўлса, F<sub>1</sub> оддий дурагайларда ушбу белги 21,0-24,5 дона ва 5,3-5,8 г, F<sub>2</sub> авлодда 19,5-24,5 дона ва 5,3-5,6 г ва F<sub>3</sub> авлодда 24,0-25,0 дона ва 5,3-5,4 г бўлганлиги, беккросс дурагайларнинг F<sub>1</sub> авлодида 23,5-25,5 дона ва 5,6-5,9 г, F<sub>2</sub> авлодда 21,5-27,0 дона ва 5,1-5,5 г, F<sub>3</sub> авлодда 22,0-26,0 дона ва 5,3-5,6 г ораликда бўлганлиги аниқланди. Андоза навида белги кўрсаткичи 18,0; 19,0 ва 17,5 донага ва 4,8; 4,7 ва 4,9 г га тенг бўлди.


Диссертациянинг «Дўзанинг оддий ва беккросс усулларида яратилган F<sub>2</sub> дурагайларида айрим белгилари ўртасида корреляцион боғланишлар» деб номланган тўртинчи бобида ўзани маҳсулдорлик белгиси билан айрим морфоҳўжалик белгилар ўртасидаги боғлиқликлар таҳлил қилинган.

Маҳсулдорлик ва тезпишарлик белгилари орасидаги корреляция коэффицентлари, оталик шаклида Т-780 тизмаси иштирок этган оддий ва беккросс F<sub>2</sub>Т-782 х ЛХ-777, F<sub>2</sub>V<sub>1</sub>(F<sub>1</sub>Т-782 х ЛХ-777) х ЛХ-777 дурагайларда кучсиз ижобий боғлиқлик мавжудлиги (тегишли равишда  $r=0,23$ ;  $r=0,11$ ) аниқланди (1-расм). Қолган аксарият оддий ва беккросс дурагайлар кучсиз салбий корреляция коэффицентларига эга бўлди. Маҳсулдорлик ва поядаги бўғин оралиғи узунлиги

ўртасидаги корреляция коэффициентлари барча оддий ва беккросс дурагай комбинацияларда салбий бўлганлиги аниқланди.

Маҳсулдорлик ва ҳосил шохидаги бўғин оралиги узунлиги ўртасида корреляция коэффициентлари аввалги белгилар каби кучсиз салбий кўрсаткичларга эга бўлди. Маҳсулдорлик ва битта кўсакдаги пахта вазни орасидаги корреляция коэффициентлари бошқа белгилар каби кучсиз ижобий боғлиқлик даражасига эга бўлди. Лекин, ушбу белгилар орасидаги боғлиқлик коэффициентларининг оддий дурагайларга нисбатан беккросс дурагайларда юқори бўлиши кузатилди. Демак, маҳсулдорлик ва бир дона кўсакдаги пахта вазни орасидаги боғлиқликни айрим дурагай комбинацияларда беккросс чагиштириш оқали ижобий томонга ҳал этиш мумкинлиги аниқланди.

Маҳсулдорлик ва тола чиқими орасидаги боғлиқлик  $F_2T-785 \times T-554$ ,  $F_2T-773 \times T-510$  ва  $F_2B(T-785 \times T-554) \times T-554$  дурагайларида кучсиз салбий бўлиб, корреляция коэффициенти тегишли равишда  $r=-0,15$ ;  $r=-0,04$ ;  $r=-0,11$  га тенг бўлди. Ушбу белгилар орасидаги боғлиқлик  $F_2B(T-782 \times LIX-777) \times LIX-777$  беккросс дурагайида ўрта ижобий ( $r=0,35$ ) даражада бўлганлиги аниқланди. Қолган барча дурагайларда боғлиқлик даражаси кучсиз ижобий равишда ўз аксини топди. Маҳсулдорлик ва тола узунлиги белгилари орасида ҳам сезиларли корреляцион боғлиқлик кузатилмади.  $F_2T-785 \times T-554$ ,  $F_2T-782 \times LIX-777$  ва  $F_2B(T-782 \times LIX-777) \times LIX-777$  дурагай комбинацияларида маҳсулдорлик ва тола узунлиги орасидаги боғлиқлик кучсиз салбий эканлиги аниқланган бўлса, қолган барча оддий ва беккросс дурагайларда кучсиз ижобий боғлиқлик мавжудлиги аниқланди (2-расм).



2- расм.  $F_2$  дурагайларнда маҳсулдорлик белгиси билан айрим морфоҳўжалик белгилари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик

Хулоса қилиб айтганда, оддий ва беккросс дурагай комбинациялари тезпишарлик, маҳсулдорлик ва қимматли-хўжалик белгилари бўйича ота-она намуналар ва андоза навига нисбатан устунликни намоён этди.

Диссертациянинг «**Илмий-тадқиқот ишлари натижасида яратилган тизмалар ва уларнинг синовлари**» деб номланган бешинчи бобида илмий тадқиқотлар натижасида яратилган янги тизма ва оилалар келтирилган бўлиб, қимматли хўжалик белгилари бўйича андоза “Наманган-77” ғўза навига таққослаб ўрганилган натижалар келтирилган. Тезпишарлик белгиси 105,2 - 119,4 кунгача бўлган ораликни эгаллади. Эртапишарлик О-907 ва О-815 оилаларида кўзатилиб, кўрсаткич 105,2–108,7 кунни ташкил этди. Олинган бир қанча тизма ва оилалар тезпишарлик жиҳатдан андоза Наманган-77 навадан устун турди. Барча тизма ва оилалар бош поя баландлиги белгиси кўрсаткичлар 102,5 смдан 115,6 смгача бўлган ораликни эгаллади. Бош поя баландлиги О-804 ва О-809 оилаларида кўзатилиб, кўрсаткич 115,6-112,5 смни ташкил этди. Мазкур белги курсаткичи андоза Наманган-77 навида эса 114,5 смни ташкил этди. Андоза Наманган-77 навида пастки ярусдаги ҳосил миқдори 51,2% ни ташкил этган бўлса, тажрибада ўрганилган оилаларнинг пастки ярусдаги ҳосил миқдори белгиси бўйича олинган натижаларига назар ташласак, ушбу оилаларда белги кўрсаткичи 59,1% дан ортиқ бўлди. Пастки ярусларида ҳосил тўпланиш белгисининг энг юқори кўрсаткич

Т-822 тизмасида намоён бўлиб, 67,8% ни ташкил этди. Қолган барча тизма ва оилаларда мазкур белги 62,0% дан 65,6% гача бўлган ораликни эгаллади (3-жадвал).

Тажрибаларда 1000 чигит массаси белгиси бўйича барча тизма ва оилалар андоза Наманган-77 навидан 110,0 г бўлса, яратилган оилаларда ушбу кўрсаткич 111,3 - 128,2 г гача, тола чиқими белгиси бўйича тизма ва оилаларнинг кўрсаткичи 35,3-38,7 % оралиғида бўлганлиги аниқланди. Олиб борилган тажрибалар натижасида катта нав синовида ТХ-101(Т-750), ТХ-109(Т-822) тизмалар ҳосилдорлиги бўйича 3,9 ц дан 5,1 ц гача, тезпишарлик 3 кундан 4 кунгача, битта кўсакдаги пахта вазни 0,5 г дан 0,6 граммгача, тола чиқими 0,2 % дан 0,7 % гача андоза С-6524 навидан юқори эканлиги аниқланди (4-жадвал).

Илмий тадқиқотлар натижасида ТХ-101(Т-750) тизмасининг наводорлигини оширилиб ғўзанинг янги С-4918 нави яратилган ва Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш Давлат Комиссиясининг Грунт назоратига тоширилди.

«С-4918» ғўза навининг тезпишарлиги 110-111 кун, толаси IV- тип ранги оқ, тола узунлиги 34 мм, тола чиқими 38-39%, микронейри 4,2-4,3, кўсак вазни 5,5-6,0 г гача, 1000 чигит массаси 116-120 грамгача, навнинг ўртача ҳосилдорлиги 43,2-47,0 ц/га.

Ажратиб олинган тизма ва оилаларда қимматли хўжалик белгиларининг кўрсаткичлари (2010-2014 йй).

Тизма ва оила	Тезни- шар- лик, кун	Бош поя баланд- лиги, см	Мах- сул- дорлик, г	1-2 ярусда- ги хосил миқдо- ри, %	3-4-5 ярусдаги хосил миқдо- ри, %	хосил шохлар оралиғи, см	Ҳосил шохда- ги бўғин оралиғи, см	Битта кўсак- даги пахта вазни, г	1000 чигит массаси, г	Тола чиқ- ми, %	Тола узун- лиги, мм	Мик- ронейр кўрсат- кичи	Вилт касаллиги билан зарарланиш, %	
													Уму- мий	Куч- ли
О-825	111,7	106,0	110,7	64,2	35,8	5,0	4,2	5,6	114,0	38,7	33,7	4,5	16,8	7,2
О-799	119,4	106,2	105,5	65,6	34,4	5,1	4,3	6,2	118,0	35,4	33,4	4,2	14,4	2,2
О-791	115,6	110,3	95,7	60,8	39,2	5,2	4,1	5,6	111,3	37,3	33,8	4,5	11,1	4,2
О-804	112,4	115,6	103,6	62,0	38,0	5,1	5,0	6,3	128,2	36,4	33,0	4,6	10,9	1,2
О-907	105,2	103,8	94,6	65,6	34,4	4,8	4,5	6,4	127,4	36,1	33,4	4,5	9,4	1,7
О-815	108,7	110,4	107,5	62,3	37,7	5,1	4,9	5,8	115,2	37,0	34,3	4,3	12,7	4,5
О-809	112,4	112,5	98,3	59,1	40,9	5,2	5,1	5,9	122,4	35,3	34,2	4,4	10,0	3,9
Т-822	109,3	102,5	102,4	67,8	32,2	4,9	4,0	5,7	122,0	35,9	33,9	4,3	7,2	1,6
Т-750	110,8	111,2	109,1	63,5	36,5	5,1	4,8	5,5	116,3	37,9	34,0	4,3	6,3	2,1
Андоза Наманган- 77	118,2	114,3	85,7	51,2	48,8	5,7	6,4	5,2	110,0	36,3	33,5	4,5	24,1	16,3
HCR	3,2	1,8	2,9		0,2			0,19	1,18	1,6	0,48	0,07	5,3	2,4

Қатта нав синов кучатзори маълумоти (2015-2016 йй).

№	Нав ва тизма	Тезни- шарлик, кун	Умумий хосилдор- лик, ш/га	Кўсак- даги пахта вазни, г	Тола чиқими, %	Микро- нейр кўрсат- кичи	Тола узунлиги, мм	Вилтга касаллиқга бардошлилик, %	
								кучсиз	кучли
1	ТХ-101 (Т-750)	111	45,2	6,0	38,4	4,2	1,20	6,6	-
2	ТХ-109 (Т-822)	110	44,3	5,9	37,9	4,3	1,20	11,8	2,2
3	С-6524 St	114	40,4	5,4	37,7	4,5	1,14	14,9	7,6

## ХУЛОСАЛАР

1. Туплари конуссимон ва пирамидасимон шаклга эга бўлган ғўза тизмаларини ўзаро чагиштиришдан олинган  $F_1$  дурагайларида пирамидасимон шаклнинг устунлиги қайд этилди. Ажралиш жараёни кечаётган  $F_2$  авлодда битта оддий ва беккросс дурагай комбинацияда пирамидасимон туп шаклга эга бўлган ўсимликларнинг миқдори юқори ва қолган дурагай комбинацияларда ҳар иккала туп шаклига эга бўлган ўсимликлар ажралиб чиқди. Учинчи авлодда барча дурагай ўсимликлар пирамидасимон туп шаклга эга бўлди.

2.  $F_1$  дурагайларнинг аксариятида ўсимлик поясидаги бўғин оралиғи узунлиги белгисининг оралиқ ҳолда ирсийланиши аниқланди.  $F_2$  дурагайларда кенг миқёсда ажралиш жараёни кузатилди. Танловлар натижасида  $F_3$  дурагайларда белгининг барқарорлашганлиги ҳамда бўғинлар орасининг сезиларли даражада қисқарганлиги қайд қилинди.

3. Ҳосил шохидаги бўғин оралиғи узунлиги барча оддий  $F_1$  ва беккросс  $F_1V_1$  дурагайларида оралиқ ҳолда ирсийланиб,  $F_2$  дурагайларида эса ушбу белги бўйича кенг миқёсда ажралиш жараёни кузатилди.  $F_3$  дурагайларида ҳосил шохи бўғин оралиғи сезиларли даражада қисқарганлиги аниқланди.

4.  $F_1$  дурагайларда тезпишарлик белгисининг ирсийланиши оралиқ ҳолда, беккросс дурагайларда эса эртапишар ота ёки она шакллари таъсирида ирсийланиши аниқланди. Барча  $F_2$  дурагайларда белги бўйича трансгрессив ажралиш ҳолати кузатилиб, тезпишар ўсимликлар ажралиб чиқди.  $F_3$  ва  $F_3V_1$  беккросс дурагайларда ота-она ва андоза навга нисбатан 2-6 кунга тезпишар бўлган ўсимликларни ажралиб чиққанлиги қайд этилди.

5. Ўсимлик маҳсулдорлиги белгиси  $F_1$  дурагайларида ижобий гетерозис ҳолатида,  $F_2$  ва  $F_2V_1$  дурагайларида эса ушбу белги вариацион қаторнинг ўнг томонига оғиб, трансгрессив ҳолатидаги ўсимликлар ажралди.  $F_3$  ва  $F_3V_1$  дурагайларида асосий ҳосилни тупнинг пастки ярусларида тўплаган маҳсулдор ўсимликлар кўплаб ажралиб чиқди.

6.  $F_1$  ва  $F_1V_1$  дурагайларда ўсимликдаги кўсақлар сони бўйича ижобий гетерозис ҳолати кузатилиб,  $F_1$  Т-774 х Т-780 дурагайида эса белгининг оралиқ ҳолда ирсийланиши қайд этилди.  $F_2$  ва  $F_2V_1$  дурагайларда ўсимликдаги кўсақлар сони бўйича кенг миқёсдаги ажралиш жараёни кузатилиб, аксарият ҳолларда белгининг юқори кўрсаткичли ота-она намуналари томонига оғганлиги аниқланди. Танловлар ўтказилиши  $F_3$  дурагайларида маҳсулдорлик кўрсаткичининг сезиларли даражада ортишига олиб келди.

7.  $F_1$  дурагайларида тола чиқимининг оралиқ, доминант ва салбий гетерозис ҳолда ирсийланиши, тола узунлиги белгисини салбий ва ижобий гетерозис ҳолатида ирсийланиши аниқланди.  $F_2$  авлодда тола чиқими ва узунлиги ўртача кўрсаткичлари ота-она намуналари оралиғида бўлди.  $F_3$  дурагайларда белги кўрсаткичларининг ота-она намуналари ва андоза навга нисбатан юқори бўлганлиги аниқланди.

8. Ўрганилган оддий  $F_2$  ва беккросс  $F_2V_1$  дурагайларда маҳсулдорлик белгисининг поядаги бўғин оралиғи узунлиги, ҳосил шохлардаги бўғин оралиғи узунлиги ва тезпишарлик белгилари билан кучсиз ва ўрта салбий коррелятив

боғланганлиги аниқланди. Бу маҳсулдор ва тезпишар, поядаги ва ҳосил шохлардаги бўғин оралиғи қисқа бўлган ўсимликларни ажратиб олиш имкониятини беради.

9. F<sub>2</sub> ва F<sub>2</sub>V<sub>1</sub> дурагайларнинг аксариятида маҳсулдорлик белгисининг битта кўсакдаги пахта вазни, 1000 чигит массаси ва тола чиқими билан ўзаро кучсиз ва ўрта ижобий боғланишда ( $r = 0,12-0,67$ ) бўлганлиги қайд этилди.

10. Оддий ва беккросс дурагайларнинг юқори авлодларидан ҳосилнинг 59,1 - 67,8 % ини пастки ярусларда тўплайдиган, тола чиқими 37,9-38,7 %, тола узунлиги 33,0-34,3 мм ва микронейр кўрсаткичи 4,1-4,5 бўлган тезпишар ва бошқа қимматли хўжалик белгиларнинг мажмуасига эга янги О-825, О-799, О-791, О-804, О-907, О-815, О-809 оилалар ҳамда Т-822, Т-750 тизмалари ва С-4918 нави ажратиб олинди.

11. Қимматли хўжалик белгилари мажмуига эга ғўза навларини яратишда асосий ҳосили пастки ярусларда тўпланган 59,1 - 67,8 %, маҳсулдор 102,4-110,7 г, толаси узун 33,0-34,3 мм, тола чиқими 37,9-38,7 % бўлган ҳамда вертициллез вилт касаллигига бардошли О-825, О-815 О-791, О-825, О-907 ва О-804 оилалари ва Т-750, Т-822 тизмалари бошланғич ашё сифатида тавсия этилади.

12. Андоза навга нисбатан асосий морфохўжалик белгилари бўйича устун бўлган С-4918 нави Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш давлат комиссияси Грунт назоратида баҳолаш учун тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЕКЦИИ,  
СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ  
ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

**ХОЛЛИЕВ ЭЛБЕК ЭГАМБЕРДИЕВИЧ**

**ИЗУЧЕНИЕ СКОРОСПЕЛОСТИ И ПРОДУКТИВНОСТИ  
СРЕДНЕВОЛОКНИСТОГО ХЛОПЧАТНИКА В ЗАВИСИМОСТИ ОТ  
ЯРУСОВ**

**06.01.05 – Селекция и семеноводство**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ-2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.2.PhD/Qx97.**

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.agrag.uz](http://www.agrag.uz)) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Халманов Бахтиёр Абдуршидович</b> доктор сельскохозяйственных наук, с.н.с
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Арамов Музаффар Хошимович</b> доктор сельскохозяйственных наук, профессор <b>Холмурадова Гўзал Рўзиевна</b> доктор сельскохозяйственных наук, доцент
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Институт генетики и экспериментальной биологии растений</b>

Защита диссертации состоится «26» июня 2018 года в 13<sup>30</sup> часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 700140, Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz). Административное здание Ташкентского государственного аграрного университет, 1 этаж, конференц - зал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 535260). Адрес: 700140, Ташкент, ул. Университетская, 2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (99871) 260-50-43.

Автореферат диссертации разослан «9» июня 2018 года.  
(реестр протокола рассылки №22.4 от «19» мая 2018 года).

**Б.А.Сулаймонов**  
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., академик.

**Я.Х.Юлдашов**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.с/х.н., доцент.

**М.М.Адилов**  
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.с/х.н.

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Такие негативные факторы как уменьшение в хлопкосеющих странах мира пригодных к сельскому хозяйству земель и глобальное изменение климата с каждым днем усиливает требования фермерских хозяйств к сортам сельскохозяйственных культур и прежде всего к сортам хлопчатника. Поэтому, в решении существующих проблем в хлопководстве большое значение имеет создание скороспелых, продуктивных, с качеством волокна, отвечающим требованиям международного рынка и толерантных к патогенам возбудителя вилта селекционных материалов<sup>1</sup>.

В этом плане в таких ведущих хлопкосеющих странах мира как Китай, Индия, Пакистан, США, Бразилия и др. серьезное внимание уделяется использованию первичных материалов вида *G.hirsutum* L. при создании скороспелых и продуктивных сортов хлопчатника, потому что использование скороспелых, урожайных и толерантных к вредителям сортов, повышает эффективность производства, даёт возможность заготовки урожая, отвечающего требованиям текстильной промышленности. В связи с этим, при создании таких сортов научные исследования, посвященные определению генетических взаимосвязей хозяйственно-ценных и биологических признаков, являются актуальной проблемой.

Возделываемые в республике сорта по скороспелости, продуктивности, качеству волокна и ряду хозяйственно-ценных признаков имеют преимущество по сравнению с зарубежными сортами. Узбекистан занимает ведущее место в мире по производству и экспорту хлопкового волокна. Вместе с этим с каждым годом повышается требование производства и текстильной промышленности к качеству волокна. Одним из путей решения вышеназванных актуальных проблем является создание скороспелых, продуктивных, толерантных к болезням новых сортов хлопчатника, отвечающих сегодняшним требованиям мирового рынка.

В Указе Президента Республики Узбекистана за №УП-4947 от 7 февраля 2017 года “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах” отмечена важность расширения научно-исследовательских работ по созданию новых селекционных сортов сельскохозяйственных культур, устойчивых к болезням и вредителям, приспособленных к почвенно-климатическим условиям и внедрению их в производство<sup>2</sup>.

